

NAZORAT-AUDIT

**«ГАЗАВТОМАТИКА» АЖ нинг
2020 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботига
ижобий фикр билдирилган**

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

**«Газавтоматика»
таъсисчилари ва раҳбариятига**

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:

«NAZORAT-AUDIT» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси. Тошкент шахри, Миробод тумани, Госпитал кучаси 11/2. Телефон: 95-144-74-55, Факс: +998 71 150 23 01. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувохнома: Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 11.12.2007 йилда № 545 рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 28.07.2008 йилда берилган «Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшириуви»ни ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалган оширишга рухсат берувчи -серия АФ № 000067 Лицензияга эга.

Хисоб рақами: 20208000604007713001 ЧЗАКБ «DAVR-BANK» Чиланзар булими, МФО-01046, СТИР 202884570, ОКЭД 69202. email: ltd_nazorat-audit@mail.ru, web: www.nazorat.uz.

Аудиторлик ташкилоти директори: Назаров Баходир Нематович САР, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил 26 апрел куни берилган № 05207-сонли «Аудитор малака сертификати»

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона түғрисида маълумот:

«Газавтоматика» АЖ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шахар, Учтепа тумани, Камта Кани кўчаси, 3-й . Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувохнома: Учтепа тумани хокимияти тадбиркорлик субектларини руйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2006 йил 15 июнда 001081-12 сонли гувохнома берилган. Статистика хос ракамлари: СОАТО-1726262, КФС-144. КОПФ -1150.

Хисоб рақами: «Узсаноаткурилиш банк», Чилонзор филиалида 20210000400118832001 асосий хисоб ракамига эга. МФО 00427. ИНН 200902952

Бош директор: Исмаилов Ботир Усманалиевич 01.04.2005 йилдан бугунги кунгача ишлаб келган

- Яшашга яроқсиз жойларни ижарага бериш ва бошқариш.

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги « NAZORAT-AUDIT » аудиторлик ташкилотининг аудитори Назаров Баходир Нематович САР, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 26.04.2014 йилда берилган № 05207 сонли «Аудитор малака

сертификати», аудиторлик ташкилоти билан « Газавтоматика » АЖ ўртасида 23.04.2021 йилда тузилган 01/67-21 сонли шартномага асосан « Газавтоматика» АЖ нинг 01.01.2020 йилдан 31.12.2020 йилгача бўлган даври учун тузилган ва раҳбарият томонидан тасдиқланган «Корхона баланси» – форма № 1, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» – форма № 2 шаклларидан иборат молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз « Газавтоматика » АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувими Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувими режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Газавтоматика» АЖ нинг 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**МЧЖ шаклидаги «NAZORAT-AUDIT»
Аудиторлик ташкилоти директори:**

**Хулоса тузилган сана:
«30» апрел 2021 йил**

Б.Н.Назаров.

